

берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ПГХНАТ-АСКУГ) ларига уланishi лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатилиш ва ишлатиш амалдаги қондалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида O'z Dst 8.030:2008 "Ёқилғи ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий талаблар", O'z Dst 8.031:2008 "Ёқилғи ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий жиҳозлаш ва уларни ишлатиш" давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлатиш чикарувчининг талабларига риоя қилиши.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари "Ўзстандарт" агентлигининг жорий қиёслов кўригидан ўтказилган сертификат ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг қиёслов кўриқдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини "Ўзстандарт" агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг тарқибий қисмларини) "Ўзстандарт" агентлигида метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатилиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатилиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслов кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатилиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатилиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси қақиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонга ангидрид) газ ўлчаш приборнинг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборнинг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига қаритиши таъминлайди. Етказиб

берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажминини ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилга Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг тарқибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш хуқуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиксиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z Dst 8.586 (1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида гайритабий ҳолатлар юзга келган тақдирда O'z Dst 8.064:2017 бўйича газнинг микдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш қурилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига руҳсатсиз аралашиш ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш усқунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (ноқонуний байпас линиясига уланганда) охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво мuddатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда – охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво мuddатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – қиёслов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – ҳисобга олиш прибори ечилган кундан "Ўзстандарт" агентлигидан қиёсловдан ўтказилиб, сертифицикаг олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш мuddати тугаганда – қиёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш мuddати тугаган кундан қиёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб қўйилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ қуварларида ёки ГТЛларида асбоб-усқуналар ўрнатилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;